

ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ТУРЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Ubaydullayeva Durdona Raxmonjon qizi

Teacher Fergana state university, the department of the English language

durdonaxon.ubaydullayeva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15658101>

Аннотация: Мазкур мақолада шарт компонентли гипотаксемалар вербализаторларининг семантик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатлари, уларни коммуникатив-прагматик типларга таснифлаш баён этилган.

Annotation: This article describes the semantic and communicative-pragmatic aspects of verbalizers of conditional sentences, and their classification into communicative-pragmatic types.

Калит сўзлар: коммуникатив-прагматик, синкретик, мутлақ қамровли, номутлақ қамровли, мустасноли, номустасноли.

Key words: communicative-pragmatic, syncretic, absolute coverage, non-absolute coverage, exceptional, non-exclusive.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида шарт муносабатлари ифодаланиши турли нуқтаи назардан ўрганилган: синтактик, семантик, стилистик, лингвокогнитив, лингвокультурологик, коммуникатив-прагматик ва бошқа ёндашувлар. Хусусан, шарт компонентли гипотаксемаларнинг семантик ва коммуникатив-прагматик жиҳатларининг таҳлилига эътиборни қаратамиз.

Типологик қиёсга тортилган тилларда шарт компонентли гипотаксемалар вербализаторларининг семантик жиҳатлари таҳлилига асосланган ҳолда, уларни асосан қуйидаги 2 та семантик типга таснифлаштириш мақсадга мувофиқ: 1) соф ШКГни воқелантирувчи вербализаторлар (уларда соф шарт семантикаси ифодаланади, масалан, *инглиз тилида: If I go back they'll make me get operated on and then I'll put me in the line all the time.*¹ *ўзбек тилида: Агар бирон дўконда дўкончи ичкилик сотса, қаттиқ жазога тортилишини уқтирган эди.*²

2) синкретик (қоришиқ) ШКГни воқелантирувчи вербализаторлар (уларда шарт семантикаси ва яна бошқа семантика(лар) билан қоришади), масалан:

*инглиз тилида: 'I am going to sit here, as long as I think proper, ma'am,' rejoined Mr. Bumble.*³ *I'll go back whenever you want.*⁴ *ўзбек тилида: Қачон Фарғона томонларга йўли тушса, албатта уни бир зиёрат қилиб, дуосини олиб ўтарди.*⁵ *Орадан сал вақт ўтгач, савдар кирди.*⁶ (**шарт + пайт**); *инглиз тилида: You will be punished subject to the crimes you have committed.*⁷ *ўзбек тилида: Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг хузуруларига паноҳ устаб кетишга мажбур бўлурмен!*⁸ (**шарт +**

¹ Е. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971. р 26.

² С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 222 б.

³ Ch. Dickens. Oliver Twist. Penguin Books Paperback, 2003. р 420.

⁴ Е. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971. р 176.

⁵ С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 17 б.

⁶ П.Қодиров. Юлдузли тунлар.Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти, 2018. 214 б.

⁷ The New York Times. May. 21, 2009

⁸ Юқоридаги манба 9 б

огоҳлантириш); инглиз тилида: *The more you value your number one, the more careful you must be of mine.*⁹ ўзбек тилида: Ўртоғининг келганига қанчалик қувонган бўлса, опасининг келгани уни шунча ташвишга солганди.¹⁰ **(шарт + ўлчов-даража)**; инглиз тилида: *You'd better take the keys in case I'm out*¹¹. ўзбек тилида: Агар астойдил уринсак, мушоҳада орқали ҳам фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашишимиз мумкин.¹² **(шарт + тавсия)**; инглиз тилида: *It was surprising the government was re-elected, given that they had raised taxes so much.* ўзбек тилида: Гарчи Эдигей ётиш олдидан тоза ҳавога чиқиб айланиб келган бўлсада, уй эгалари унга қулай иссиқ кўрпа-тўшак солиб, меҳмон отангдан улуғ деб махсус сақлаб қўйилган чойшаб солиб берган бўлсалар ҳам янги ўринда ҳа деганда ухлай олмади.¹³ **(шарт+тўсиқсизлик)**; инглиз тилида: *As is the workman, so is the work.*¹⁴ ўзбек тилида: Уста қанақа бўлса, шогирд ҳам шунақа. **(шарт+қийёслаш)**; инглиз тилида: *Unless you find something else I'm afraid you will have to go back to the front.*¹⁵ ўзбек тилида: Самарқандни олганидан кейин сўзидан қайтсаю, Зухра бегимни мана бу қоронғи тунда ўқириб йиғлаётган аёлнинг аҳволига солсачи? ¹⁶**(шарт+ҳадик)**; инглиз тилида: *They prepared more vegetables in case there were vegetarians among the guests.*¹⁷ ўзбек тилида: Агар Турсунбойни сал иситма олиб қолса, эр-хотин уйқу нималигини унутишар, бошидан нари кетишолмасди.¹⁸ **(шарт+сабаб)**; Навоийнинг ҳузурига кирган бўлса, бошқа қўп нарсаларни ҳам айтиб берган бўлиши керак. **(шарт+ғумон)**; инглиз тилида: *I would have done it if I had had more time yesterday.*¹⁹ ўзбек тилида: Ўшда мен рози бўлсам, эҳтимол кейин Аҳмад Танбал сизга бунча ёғийлик қилмас эди.²⁰ **(шарт+армон қилиш)**; инглиз тилида: *I could go to Spain if there was no war.*²¹ ўзбек тилида: Йўл нишаб бўлса-ю, шамол орқадан эсса, чопқир отлар янада тезроқ учиши мумкин бўларди.²² **(шарт+ҳаёл қилиш)**; ўзбек тилида: Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдираман.²³ **(шарт+таҳдид)**;

Инглиз ва ўзбек тилларида гипотаксемалар вербализаторларининг коммуникатив-прагматик жиҳатлари таҳлилига асосланган ҳолда, уларни асосан қуйидаги 6 та коммуникатив-прагматик типга таснифлаштиришга асос бор:

1) “ижобий шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи фақат ижобий бўлади), масалан; инглиз тилида: *I knew*

⁹ Юқоридаги манба 508 б

¹⁰ С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 438 б.

¹¹ Hornby, A. S., & Wehmeier, S. (Ed.). (2000). Oxford's advanced learner's dictionary of current English (6th ed.). Oxford: Oxford University Press

¹² Ч.Айтматов.Асрга татиғулик кун. Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 85 б.

¹³ Юқоридаги манба 216 б.

¹⁴ Collins Harry. 101 American English Proverb. Published by Passport Books, 1992

¹⁵ E. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971.р 191.

¹⁶ П.Қодиров. Юлдузли тунлар.Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти, 2018. 108 б.

¹⁷Юқоридаги манба

¹⁸ С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 10 б.

¹⁹ Юқоридаги манба р 103.

²⁰ Юқоридаги манба 127 б.

²¹ Юқоридаги манба р 28.

²² Юқоридаги манба 135 б.

²³ Юқоридаги манба 241 б.

that I ought to consider myself very fortunate if I succeeded in securing employment.²⁴ ўзбек тилида: Қандай яхши бўларди, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса.²⁵

2) “салбий шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи фақат салбий бўлади), масалан, инглиз тилида: *He must die in the streets unless someone helped him*²⁶; *If students don't learn grammar rules, they won't get good marks. If you do not study harder, you'll fail the exam*; ўзбек тилида: **Яна тагин гўзал малика билан яшириқча тил бириктириб сураат чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас.**²⁷ Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдираман.²⁸

3) “мутлақ қамровли шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи тўлиқ қамровга эга бўлиб, мустасно ҳолат мавжуд эмас), масалан, инглиз тилида: *The bank let the company 100,000 pounds on condition that they repaid the money within six months*;²⁹ ўзбек тилида: Акамдан рухсат бўлсагина, мен у ерга бораман.³⁰

4) “номутлақ қамровли шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи тўлиқ қамровга эга эмас, унда мустасно ҳолат ҳам мавжуд), масалан, инглиз тилида: *I will not hesitate in admitting that most officers are honest*³¹; ўзбек тилида: Гумонимча эрталаб Қўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир.³²

5) “мустасноли шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифида бир мустасно ҳолат мавжуд), масалан, инглиз тилида: *We shall finish the work in time **given that** we have enough material*³³; ўзбек тилида: **У ҳар қанча оч бўлса ҳам Тоҳирнинг олдида дарҳол нон кавшашдан ўзини тутди.**³⁴

6) “номустасноли шарт компонентли гипотаксема семантикаси”ни воқелантирувчи вербализатор типлари (улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифида биронта мустасно ҳолат мавжуд эмас), масалан, инглиз тилида: *You may come and see her after seven o'clock if you wish*³⁵; ўзбек

²⁴ W.Collins. The women in white, p 11

²⁵ Юқоридаги манба 70 б.

²⁶ Ch. Dickens. Oliver Twist, p 81

²⁷ П.Қодиоров. Юлдузли тунлар.Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти, 2018. 68 б.

²⁸ Юқоридаги манба 241 б.

²⁹ Hornby, A. S., & Wehmeier, S. (Ed.). (2000). Oxford's advanced learner's dictionary of current English (6th ed.). Oxford: Oxford University Press

³⁰ С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 99 б.

³¹ Юқоридаги манба

³² А.Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. “Шарқ”, 2013 182 б.

³³ THE SUNDAY TIMES. APR 25 2003.

³⁴ Юқоридаги манба 69 б.

³⁵ E. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971. P 27.

тилида: *Модомики канал битгунча ишлагинг келса, сенга бошқа иш топиб бераман.*³⁶

Шарт муносабатларини прагматик таснифлашнинг асоси сўзловчи коммуникатив мақсадини мос равишда интерпретация қилиш муаммоси билан белгиланади. Жаҳон тилшунослигида шарт муносабатларини ўрганишга бўлган прагматик ёндашув тажрибасига таянган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспекти қиёсий таҳлил қилишда қуйидаги масалалар эътиборга олинди: шарт конструкциялари прагматик аспектининг мулоқот жараёнидаги тадқиқи, уларни сўзловчининг коммуникатив-прагматик мақсадига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, шарт формаларининг прагматик хусусиятларини белгилловчи контекстуал омилларни аниқлаш, уларнинг прагматик функцияларини ўрганиш ва мулоқот иштирокчиларига прагматик таъсири каби масалалар.

Шарт маъно билдирувчи конструкциялар фақатгина шарт муносабат эмас, балки яширин прагматик маъно ҳам билдириши мумкин бўлиб, бундай прагматик маъно турлари фақатгина контекстда юзага чиқади.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Angeliki A., Rene D. Pragmatic conditionals. Thessaloniki: Aristotle University, 1996.
2. Denis J. Hilton., Jean-François Bonnefon. Pragmatics at Work: Formulation and Interpretation of Conditional Instructions. Toulouse: Universite Toulouse, 2011.
3. M. Mohammadi, J. Fischer, M. Langner & R. Klabunde. 2018. Conveying the user's intention by generating speech act conditionals as indirect answers. Proceedings of KONVENS 2018.
4. Manfred Krifka. Biscuit Conditionals as Anticipatory Speech Acts// Workshop —Biscuit Conditionals||. Universität Hamburg, 2017.
5. Richard A. Young. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory// Grace Theological Journal, Vol 10, Issue 1, 1989.
6. Хошимов Ғ.М. Сложноподчиненные предложения с придаточными цели в разносистемных языках. – М. 1982
7. Хошимов Ғ. М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Т.: Фан, 1991
8. Хошимов Ғ. М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. – Т. 2002

³⁶ С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 202 б.